

ТАСДИҚЛАЙМАН

А.Авлоний номидаги миллий-
тадқиқот институти ректори

А.Б.Раджиев



«___» 2022 й.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


“Молия-бухгалтерия ходимларининг мақсадли ўқув курслари учун электрон
(ракамли, html, web контент) ўқув дастурлар, контент материаллари (маъруза,
тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар ишлаб чиқиши, махсус дастурий мажмуаларда
(Erp Maktab, Uzasbo, xarid.uzex.uz) ишлаш кўнимасини ошириш ва тест
топшириклари ҳамда якуний онлайн тестлар тайёrlаш.

(“HR” лойиҳаси доирасида)

Варақ сони: 11

И. Гофуров

(Ф.И.Ш)



(имзо)

А. Ибрагимов

(Ф.И.Ш)



(имзо)

Тошкент - 2022

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Лойиҳа номи: Халқ таълими тизимида кадрлар бўйича мутахассисларнинг ҳуқуқий ва молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш “HR” лойиҳаси доирасида “Молия-бухгалтерия ходимларининг мақсадли ўқув курслари учун электрон (рақамли, html, web контент) ўқув дастурлар, контент материаллари (маъруза, тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар ишлаб чиқиш, маҳсус дастурий мажмуаларда (Erg Maktab, Uzasbo, xarid.uzex.uz) ишлаш қўникмасини ошириш ва тест топшириклари ҳамда якуний онлайн тестлар тайёрлаш.

АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ:

•Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони;

•Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079 сонли Фармони;

•Халқ таълими вазирининг 2022 йил 25 февралдаги “Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда халқ таълими тизимида Ягона “Электрон таълим” тармоғини жорий этиш тўғрисида”ги 69-сон буйруғи.

•Халқ таълими вазирининг 2022-йил 25-июлдаги Халқ таълими тизимидағи кадрлар бўйича мутахассисларнинг ҳуқуқий ва молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича “HR” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги 242-сон буйруғи.

ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ:

Лойиҳанинг мақсади халқ таълими тизими молия-бухгалтерия ходимларини малака ошириш (рақамли, html, web контент, амалий қўниклар орқали энг охирги имкониятлардан UzASBO, EduERP ва биржа майдончаларида ишлаш имконияти) ва сертификациялаш тизими, мутахассислар учун контент материал (маъруза, тақдимот, видеодарс ва тест топшириклари)лари, казуслар базаси, саволлар ва тестлар базаси, ўқув дастурлари ишлаб чиқишдан иборат.

ЛОЙИХАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

1. Халқ таълими тизимида айнан амалиётда вужудга келаётган молия-хисоб тизимиға оид низолар бўйича мутахассислар (иқтисодчи, бухгалтерлар)ни жалб этган ҳолда саволлар, топшириклар, казуслар электрон базасини шакллантириш.
2. Яратилган видео контент материалларини платформага жойлаштириш ва иқтисодчи, бухгалтерларнинг бўш вақтларида электрон платформа орқали (рақамли, html, web контент) малака оширишларини йўлга кўйиш;
3. Молия-хисоб тизими жараёнида инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим самарадорлигини таъминлашга қаратилган видео контент (рақамли, html, web контент) яратиш ва Республика миқиёсида кенг жорий этиш.

ЛОЙИХАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш, мақсадли ўқув курсларини ташкил этиш, замонавий ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш, соҳада методологик хусусиятдаги контентларни ишлаб чиқишининг асосий вазифалари ва йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- таълим тизими фаолиятини мувофиқлаштиришда молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини оширишда интерактив ёндашувли контент материал (маъруза, тақдимот, видеодарс ва тест топшириклари)лари, якуний онлайн тестлар скоринг тизимини қўллаш, турли амалий казуслар ечимларини қўллаш, фойдаланувчилар ишловчи тизимларда узвий боғлиқликни тушунишга ёрдам берувчи ёндашувлар асосида тайёрлаш;
- контент материал (маъруза, тақдимот, видеодарс ва тест топшириклар)лари, якуний онлайн тестлар ишлаб чиқиши жараёнида маълумотлар банкини яратиш, ушбу маълумотлар базалари учун ёзувларни белгиланган форматда тайёрлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш;
- мақсадли ўқув курси контент материалларини жорий этиш ёки жорий этишда алоҳида босқичларни амалга ошириш, қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ушбу дастурий таъминот билан ишлаш (онлайн тестлар, малака ошириш)ни ўргатиш;
- ўқув жараёнини бошқариш, ташкил этиш ва назорат қилишда молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича

мавжуд ахборот тизимларининг имкониятлари билан танишиш учун интерактив ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

- тизимли ва мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш.

ЛОЙИХА ТАРКИБИ

а) 5 та ўқув дастур ишлаб чиқиш:

Модуллар номи:

<input checked="" type="checkbox"/>	Хисоб-китоб бухгалтерлари (ўзб. тилида) — 36 соатлик
<input checked="" type="checkbox"/>	Материал бухгалтерлари (ўзб. тилида) — 18 соатлик
<input checked="" type="checkbox"/>	Умумий бухгалтерия (ўзб. тилида) — 18 соатлик
<input checked="" type="checkbox"/>	Давлат харидлари (ўзб. тилида) — 36 соатлик
<input checked="" type="checkbox"/>	Молия-режалаштириш бухгалтерлари (ўзб. тилида) — 36 соатлик

- Ўқув дастурлар асосида мутахассислами малака ошириш курслари учун контентни яратиш. Ҳар бир видеоконтент ўз ичига маъруза матни, тақдимот, казус ва тестлами ишлаб чиқиш ҳамда оператор, монтаж ва экспертиза хизматларини олади. (Жами 144 та видеоконтент ҳар бир видеоконтентга).

Жумладан:

маъруза матни, тақдимот, казус ва тестларни ишлаб чиқиш тасвирга олиш ва монтаж қилиш.

б) аттестация синовлари мезонлари ва тест-саволларини ишлаб чиқиш:

- Молиявий саводхонлик малака талаблари тавсифлари бўйича - 1500 та диагностик тест саволлари тузиш ;
- 1500 та диагностика тест саволларини экспертизадан ўтказиш;
- якуний синов тестларини тузиш 36 соатлик дастур учун 360 тадан 18 соатлик учун 180 тадан жами 1440 та тест;
- 1440 та якуний синов тест саволларини экспертизадан ўтказиш, бухгалтерлар ва молиячилар билимини баҳолаш бўйича мезонлар ишлаб чиқиши.

Модуллар бўйича контентлар сони - 144 та.

Видеодарсларни олиш муддати -120 кун.

Видеодарс ўтувчи мутахассис кадрларга қўйиладиган талаблар:

- ❖ UZASBO ва EduERP дастурий тизимларида иш тажрибасига эга бўлиши;
- ❖ Бухгалтерия ҳисоби ва молия йўналиши бўйича олий маълумот, бюджет ташкилотларида камидаги 5 йил иш тажрибаси, шунингдек, ушбу йўналиш бўйича халқаро сертификатларга эга бўлиши;
- ❖ Видеодарс машғулотининг сценарияси бўлиши;
- ❖ Сценарий бўйича тақдимот (слайд)ларни PPT формат (Microsoft Power Point дастури)да тайёрлаш хамда анимацион шаклларни ўзида акс эттириш, инфографика (хар бир мавзу бўйича)
- ❖ Барча визуализация воситаларидан фойдаланиш: видео, анимация, расм, жадваллар, диаграммалар ва бошқалар.
- ❖ Мавзунинг режа ва дастур талаблари асосида қисқа, аниқ ва интерактив усулда очиб бериш;
- ❖ Дарс жараёнида бўрли ва маркерли доскалардан фойдаланиш;
- ❖ Видео контентнинг катталар учун мўлжалланганлиги;
- ❖ Мутахассис нутқининг равонлиги;
- ❖ Видеодарс мавзуси бўйича матн (4-8 бет), слайд-тақдимот (10-20 та), тест (2-5 та), амалий топширик (1-4 та)лари бўлиши;
- ❖ Видеосьёмка қилинадиган ҳар бир мавзунинг камидаги 10-12 дақиқа давом этиши (монтаждан кейинги қисми):

Тест топшириклари, маъruzалар курси, амалий машғулот материаллари ва тақдимот (презентация) тайёрлашга қўйиладиган талаблар иловада келтирилган.

Видеодарсни тасвирга олувчи ходимларга қўйиладиган талаблар:

- ❖ Профессионал съёмка талабларига жавоб бериши;
- ❖ Профессионал камера (Full.HD) 1080p.25 формат);
- ❖ Профессионал монтаж (анимацион роликлар билан ишлаш);
- ❖ Монитор 65, 70, 84, 98 дюймли, лт 4К, светодиодли ЖК-дисплей, мултисенсорли экран-интерактив-доска-компьютерли-монитор-функция-тв;
- ❖ Барча визуализация воситаларидан фойдаланиш: видео, анимация, расм, жадваллар, диаграммалар ва бошқалар;
- ❖ Ёруғлик даражалари.

Лойиҳа манзили: Тошкент шаҳари, Олмазор тумани, Зиё кўчаси 6-й. Бофланиш учун телефон (71) 2271645, (+99890) 338-88-98

**ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ МАЗМУНИ ВА ШАКЛИГА
ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

1. Ҳар бир тест топшириғи тегишли молиявий-бухгалтерия сектори бўйича БХМ стандартига (Бухгалтерия хисоби миллий стандарти), малака талаби ва ўкув дастури асосида тузилиши шарт.

2. Тест топшириқлари таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гурӯҳлар учун лотин алифбосида бўлиши шарт.

3. Ҳар бир тест топшириғи бирор-бир ягона максадни кўзда тутган ҳолда тузилиши лозим.

4. Тест топшириғи тўртта қийинлик даражаси асосида умумий саволлар сонига нисбатан тенг тақсимланган микдорда тузилиши ва ҳар бир топшириқнинг қийинлик даражаси топшириқ паспортида кўрсатилиши керак:

Бир танловли тест савол:

Тест саволи ва 1 та тўғри жавоб, 3 та муқобил жавоб берилади. (*А. Б. С. Д.)

Бунда фақат 1 та ихтиёрий жавобни белгилайдилар.

№	Тест топшириғи	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Судралиб юрувчи	Илон	Бургут	Туякуш	Словсин
2	Сут эмизувчилар	Мушук	Тошбака	Лочин	Илон

Кўп танловли тест савол:

Тест саволи ва 2 та тўғри жавоб, 2 та нотўғри жавоб берилади. Бунда тингловчи 2 та тўғри ва 1 та нотўғри жавобни белгиласа – нотўғри 1 та жавобни белгилагани учун 1 та тўғри жавобни бали ундан олиб (штраф) ташаланади. Аксинча 2 та тўғри ва 2 та нотўғри жавобларни ҳам белгиласа, бу саволдан тингловчи нол балл олади. Ёки 2 та тўғри жавобни белгилаб, нотўғри жавобларни белгиламаса 2 та тўғри жавоб учун балл (ҳар бир тўғри жавоб учун) берилади. Бунда тингловчилар ихтиёри 4 тала жавобни ҳам белгилашлари мумкин бўлади.

№	Тест топшириғи	Тўғри жавоб	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Судралиб юрувчилар	Илон	Калтакесак	Мушук	Словсин
2	Сут эмизувчилар	Мушук	От	Балиқ	Илон

Рост ва ёлғон тест савол:

Ушбу тест саволимизга соҳага оида чалғитувчи мант кўринишида тест саволи берилади ва 2 та жавоб, ҳа ёки йўқ (рост ва ёлғон) кўринишида

жавобларни белгилашлари керак бўлади. *Бунда фақат 1 та ихтиёрий жавобни белгилайдилар.*

№	Тест топшириги	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб
1	Илон судралиб юрувчилар тоифасига киради	Рост	Ёлғон
2	Бургут сут эмизувчилар тоифасига киради	Ёлғон	Рост

Турли даражали саволлар:

Тест саволи ва 3 та тўғри жавоб, 1 та нотўғри жавоб берилади. Тўғри деб айтадиган 3 та жавобларимиз ишнинг самарадорлик коэффицентига қараб (аъло, яхши, қониқарли яъни 3 балл, 2 балл, 1 балл) шкалада баҳоланади. Тингловчи 1 та нотўғри жавобни белгиласа бу тест саволидан балл олаолмайди. Аксинча 1 даражали жавобни белгиласа 3 балл, 2-даражали жавобни белгиласа 2 балл, 3 даражали жавобни белгиласа 1 балл берилади. *Бунда фақат 1 та ихтиёрий жавобни белгилайдилар.*

№	Тест топшириги	1-даражали тўғри жавоб	2-даражали тўғри жавоб	3-даражали тўғри жавоб	Муқобил жавоб
1	Судралиб юрувчилар	<p>Судралиб юрувчилар гавдасининг узунлиги бир неча см дан 10 м гача.</p> <p>Скелета деярли тўлик суюкландиган. Оёклари бошка куруклиқда яшовчилар сингари 5 бармоқли типда; айрим гурухларда оёқдар бўлмайди. Кўпчилик Судралиб юрувчилар ковургалари тўш суюклари билан туташиб, кўкрак қафаси ҳосил килади.</p>	<p>Кўпчилик Судралиб юрувчилар ковургалари тўш суюклари билан туташиб, кўкрак қафаси ҳосил килади. Судралиб юрувчиларда биринчи марта кўкрак қафаси орқали нафас олиш пайдо бўлади. Боз мияси сут эмизувчилар ва қушларнига нисбатан кучсиз ривожланган.</p>	<p>Судралиб юрувчиларда биринчи марта кўкрак қафаси орқали нафас олиш пайдо бўлади. Боз мияси сут эмизувчилар ва қушларнига нисбатан кучсиз ривожланган.</p>	<p>Судралиб юрувчиларнинг 8000 га яқин тури, Ўзбекистонда 2 туркум (тангачалилар, тошбакалар)га мансуб 58 тури тарқалган.</p>
2	Сут эмизувчилар	<p>Сут эмизувчиларнинг ташки кўриниши ва ўлчами ҳар хил. Пакана оқ тишлигининг (ҳашаротхўрлардан) уз. 4 см, вазни 1,2 г келса, куруклиқда яшовчи энг ийрик ҳайвон — африка филининг баландлиги 4,5 м, вазни 7,5 т га яқин. Ҳоз. ҳайвонлар орасида энг ийриги кўк китнинг уз. 33 м, вазни 150 т.</p>	<p>Сут эмизувчиларнинг юшшоқ лаби овқатни олиш вазифасини бажаради. Ичаги мураккаб тузилган, баъзи Сут эмизувчиларнинг ошқозони кўп бўлмали.</p>	<p>Сут эмизувчилар иссиқ қонли — гомойотерм ҳайвонлар; артерия ва вена қони тўлик ажралган. Эритроцитлари етилган даврида ядросиз.</p>	<p>Сут эмизувчиларнинг мураккаб нерв фаолияти ва хулқатвори яримшарлар пўстлоғининг кучли ривожланганлиги билан бөглилар. Хид билиш, курих, эшитиш органлари яхши ривожланган.</p>

Умумий **50 та** савол бўлса жами **100 балл** тўлаши керак бўлади.

**Бир танловли 20 та тест* саволига 40 балл (ҳар бир савол учун 2 баллдан);

**Кўп танловли 10 та тест* саволига 20 балл (ҳар битта тўғри жавоб учун 1 балл. 1 та саволдан максимум 2 балл олиши мумкин);

**Рост ва ёлғон 10 та тест* саволига 10 балл (ҳар бир тўғри жавоб учун 1 баллдан);

**Турли даражали 10 та тест* саволига 30 балл (иши самарадорлики 1 даражали жавоб учун 3 балл берилади).

5. Тест топширигининг саволи аниқ, лўнда, қисқа ифодаланган бўлиши, унда зарурий маълумотлар келтирилиши, кераксиз, ортиқча маълумотлар ишлатилмаслиги, шунингдек, савол икки хил тушунилмаслиги керак.

6. Тест топшириги саволида тўғри жавобни топишга ёрдам берувчи сўзлар, иборалар ва белгилар ишлатилмаслиги, жавоб вариантлари қиймати ва ҳажми билан бошқаларидан кескин фарқ қиласлиги лозим.

7. Тест топширигининг тўртта жавоби бўлиб, улардан фақат биттаси мутлақ тўғри бўлиши керак.

8. Тест топширигининг муқобил жавоблари орасида «жавобларнинг барчаси тўғри», «жавобларнинг барчаси нотўғри», «тўғри жавоб йўқ», «тўғри жавоб А ва В», «тўғри жавоб 1 ва 2», «В ва Д», каби иборалар ишлатилмаслиги ҳамда икки ва ундан ортиқ бир хил жавоб вариантлари бўлмаслиги лозим.

9. Тест топшириклари ёзилган файлнинг номи намунавий ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи ва қавслар ичida ажратилган соат миқдори билан номланиши шарт. Файлни номлашда қисқартмалар киритиш мумкин эмас.

10. Тест топшириклари Microsoft Word дастурида, “Times New Roman”да, 14 шрифтда ёзилиши лозим.

11. Тест топширикларини тайёрлашда чизма ёки расмлардан фойдаланиш мумкин ва математик ифодалар “Формула редактори” орқали киритилади.

12. “Формула редактори” орқали формулаларни киритишда расмлар нусхасини кўчириб олиб қўйиш, Кирилл алифбосидан фойдаланиш таъкидланади.

13. Ҳар бир мавзу бўйича тайёрланган тест топшириклари сони 3 тадан кам бўлмаслиги, шаклан ҳар хил, мазмунан бир хил тест топшириклари бўлмаслиги ва такрорланмаслиги зарур.

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Маърузалар курси — фаннинг ўкув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли модуль номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўкув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган бўлиши зарур.

Маърузалар курсини расмийлаштириш бўйича талаблар:

маърузалар курси мавзунинг долзарблиги, таҳлилий ва тугалланган фикрлар асосида, фан-технологиянинг энг сўнгти янгиларини ўзида акс этган, илмий-амалий тавсияларни ўз ичига қамраб олган ҳолда, имловий хатоларсиз тайёрланиши (html web контент кўринишида);

маърузалар курси Times New Roman шрифтида хамда 14 ўлчамдаги кегелда 1,5 интервалда, 10 бет (10 бетдан кам булмаслиги лозим) ҳажмда ёзилган ва таҳрир қилинган бўлиши лозим;

маъruzанинг охирида алоҳида амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсия берилиши шарт;

матнни жойлаштиришда саҳифанинг чегаралари: юқори ва пастдан - 2,0 см, ўнгдан 1,5 см, чапдан - 3,0 см. ўлчамда белгиланади;

маърузалар курси электрон вариантда RTF форматида тақдим этилади;

мавзуси бош харфларда ёзилади, бир интервалдан сунг ТАВ ёрдамида абзац қўйилиб, матн ёзилади.

КАЗУСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Казуслар - вазиятни ҳал қилиш, биринчи навбатда, соҳадаги қонунчиликни тушунишга ва нормаларни муайян ҳаётий вазиятларда қўллашга ўргатиш учун мўлжалланган. Бундай ҳолатлар амалий тадкиқотларда белгиланади, уларни амалиётда тўғри ва асосли тарзда ечим топишга асосланади.

Бухгалтериа ва молиявий ҳаракатларни тўғри ҳал қилишнинг ажралмас шарти бу муаммонинг мазмунини қамраб олган асосий вазиятни ёрдамчи вазиятлар орқали аниқ шакллантириш қобилиятидир. Ёрдамчи вазиятларга тўғри жавоб тўғри якуний хуроса чиқариш имконини беришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳодисаларни ҳал қилиш тўлиқ ва батафсил бўлиши керак. Ечимда муқобил жавобларга асосланган бўлиши керак.

1. Вазиятни таҳлил қилиш. Бу босқичда, биринчи навбатда, вазифанинг мазмунини, юзага келган низонинг моҳиятини ва ишнинг барча ҳолатларини тушуниш керак.

2. Вазиятни (томонларнинг далилларини) амалдаги қонунчилик нуктаи назаридан баҳолаш. Бунинг учун муаммода кўрсатилган реал ҳолатларнинг ҳукуқий аҳамиятини аниқлаши, масаланинг шартида кўрсатилган ечимларга турли йуллар билан ҳал қилиш мумкинлиги намоён бўлиши керак.

Мулоҳазалар ва хуросалар аниқ нормаларга ҳаволалар билан асосланиши керак.

ТАҚДИМОТ (ПРЕЗЕНТАЦИЯ) ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кўргазмали ахборотни тақдим этиш шаклига кўра презентацияларни уч гурухга бўлиш мумкин: оддий, анимацияли ва мультимедиали.

Тақдимотларда тўлиқ матн (текст) бўлмаслиги лозим. 1 та тақдимотда 30 тагача сўзи ишлатиш зарур.

Тақдимотда турли хил ранглар ва шрифтлар хилма-хиллигидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Икки – уч хил ранг, бир хил шрифтдан фойдаланиш кифоя. Мутахассис томонидан тақдимотлар инфографика усулда тайёрланиши лозим.

Инфографика - мақсадли аудитория билан алоқани кучайтириш учун фойдаланишингиз мумкин бўлган маълумотларни етказишнинг бир усули. Албатта, бу ягона формат эмас, балки сизнинг хабарларингиз, гояларингиз, ютуқларингиз ва муҳим фикрларингизни етказиш учун энг самарали усул

ЭКПЕРТИЗАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Тестларни экспертизасига қўйиладиган талаблар:

Текширилаётган тестнинг мазмуни молия ва бухгалтерия соҳаси нуктайи назарига мос келишли;

Текширилаётган тестнинг мазмуннинг молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш учун муҳимлиги;

Тест топшириғи шаклининг мақсадга мослиги;

Тест топшириғи шарти ва ўзагининг тушунарлиги, ортқича маълумотлардан холилиги;

Калитнинг тўғрилиги ва баҳс-мунозаралардан холилиги;

Дистракторларнинг асосли танланганлиги;

Муқобил жавобларнинг маъно ва шакл жиҳатдан гомогенлиги;

Тест топширувчига текширилаётган соҳа / мазмунни билмасдан туриб тўғри жавобни топишга ёрдам берадиган унсурлардан холилиги каби талабларни назарда тутган холда экспертиза хulosаси берилиши керак.

Контентларни экспертизасига қўйиладиган талаблар:

Контент материаллари (тақдимот, маъзуза матни, тестлар, казуслар) нинг хар бирига алохида тўхталиб, хато-камчиликлари синчиклаб ўрганилган бўлиши керак. Жумладан,

Тақдимот, маъзуза матни, казусларнинг хажми, мавзуга алоқадорлиги, имло хатолардан холи эканлиги, соҳага оид терминологияларнинг тўғри кўлланилганлиги, мавзуга оид расм ва инфографикалардан фойдаланганлиги ўрганилиб, камчиликлар бўйича тавсиялар берилиб, якунда экспертнинг умумий хulosаси берлган бўлиши керек.

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

Ушбу лойихани амалга ошириш доирасида кадрлар бўйича мутахассисларнинг хуқукий ва молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадли ўқув (онлайн)курсларни ташкил этиш,

Республика бўйича **5000 нафарга** яқин кадрлар бўйича мутахассис ва молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича кўникмалари ривожлантирилади ва куйидаги натижаларга эришилади:

- молия-бухгалтерия ходимларининг таълим тизимини бошқаришда молиявий саводхонлиги бўйича билим даражасини ошириш;
- молия-бухгалтерия ходимларини малакасини ошириш бўйича ахборот тизимларининг кенг имкониятлари билан таништирилади;
- молия-бухгалтерия ходимларининг молиявий саводхонлиги ошириш бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда амалий кўникмаларга эга бўладилар;
- халқ таълими тизими молия-бухгалтерия ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантиришга хизмат қилувчи маҳсус электрон платформадан фойдаланиш бўйича амалий кўникмалар эгаллайдилар ҳамда уларнинг малакасини ошириш жараёнларини бевосита назоратини олиб бориш;
- молиявий саводхонликни ошириш бўйича жами 144 соатлик html web контент материал (видеодарс, маъruzा, тақдимот)лари яратилади;
- йўриқнома ишлаб чиқилади;
- тест саволлари банки шакллантирилади;
- мамлакатимизда таълим тизими бошқариш самарадорлиги оширилади;
- амалга ошириладиган ишларни кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилади.